



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI
HUZURIDAGI
FISKAL INSTITUT

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ



01


Айланмадан олинадиган солиқни
тўловчилар ва уни қўллашнинг ўзига хос
хусусиятлари (СК. XX-бўлим; 66-боб)

02

Солиқ объекти,
базаси ва ставкалари

03

Солиқни ҳисоблаб чиқариш,
солиқни тўлаш ва солиқ
ҳисоботларини тақдим этиш
тартиби



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР



Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар




Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади **100 млн. сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган ЯТТлар**



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромади **бир миллиард сўмдан ошмаган** Ўз.Р. **юридик шахслари** қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш ўрнига айланмадан олинадиган солиқ тўлашни назарда тутадиган махсус солиқ режимини танлашга ҳақли.

СК. 462 модда (1-қ.)



Солиқ тўловчилар айланмадан олинадиган солиқ тўлашга навбатдаги солиқ давридан бошлаб ўтишга ҳақли. Айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтиш учун, ҳисобида турган жойидаги солиқ органини Ўз.Р. ДСҚ томонидан белгиланган шаклда, бироқ айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтилаётган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар **ўн кундан кечиктирмай хабардор қилади.**

СК. 462 модда (2-қ.)

ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ТЎЛОВЧИЛАР

Солиқ даври давомида товарлар
(хизматлар) реализация қилишдан олган
даромади



Айланмаси 1 млрд.
сўмдан ошган юридик
шахслар



**жами даромади
кўрсатилган
миқдорга етган
кундан
эътиборан**



ҚҚС ва Фойда солиқларини
тўлашга ўтади



*Кейинги йилдан
бошлаб*



1 млрд.сўм / 365 кун

Янги рўйхатдан ўтган юридик шахс
товарларни реализация қилишдан олинган
даромад суммаси йил якунида



Рўйхатдан ўтилган
санадан то
календарь йил
тугагунига қадар
бўлган кунлар сони



СК 462 моддаси

ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ТЎЛОВЧИЛАР



2023 йил 1 январдан кучга кирди.

- Солиқ даври давомида жами даромади бир миллиард сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар, шу жумладан янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар **жами даромади кўрсатилган миқдорга этган кундан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.**

Ўз.Рсининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонуни таҳририда.

Янги ташкил топган юридик шахслар учун солиқ солишни ўзига хос жиҳатлари

Вазиятли масала:

Янги рўйхатдан ўтган юридик шахс 2021 йили охирига қадар **50 кун фаолият кўрсатган. Юридик шахсининг** жами даромади 250 млн. сўмни ташкил этган.

Савол:

Корхона 2022 йил 1 январдан бошлаб қандай тартибда солиқ тўлайди?

Ечими:

*Ушбу сумма 1 млрд.сўмни 365 кунга бўлиб, юридик шахсни **фаолият кўрсатган кунлари** (яъни 50 кун)га кўпайтирганда ҳосил бўладиган сумма **136 986 301 сўмдан ортиқ.**) Солиқ кодексининг 462-моддасига асосан мазкур юридик шахс 2022 йил 1 январ ойидан бошлаб Фойда ва ҚҚС солиқларини тўлашга ўтади.*

50 кунлик даромад = 250 000 000 сўм



1 млрд.сўм/365 кун ✖ 50 кун = 136 986 301 сўм

Товарларни импорт қилувчи юридик шахслар, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар ҚҚС тўловчиси **ҳисобланадилар.** Бунда, биринчи марта импорт шартномаси тузилган санасидан бошлаб ёки товарлар олиб кирилган санадан (қайси бири олдин келса) ҚҚС тўловчиси сифатида махсус ҳисобга туриши шарт



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТАТБИҚ ЭТИЛМАЙДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР (СК 461-модда)



Давлат солиқ
қўмитаси хузуридаги
фискал институт



№ 1


Товарларни импорт қилишни амалга оширувчи юридик шахслар



Юридик шахс товарларни импорт қилса



Импорт шартномаси тузилган санасидан



№ 2



Акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахслар



Агар юридик шахс акциз ости маҳсулотлари нефт, газ, кўмир ва бошқаларни қазиб олиш билан шуғулланганда





№ 3



Йигирма беш гектар ва ундан
ортиқ суғориладиган экин
майдони мавжуд қишлоқ
хўжалиги маҳсулоти ишлаб
чиқарувчилар (СКга ўзгартириш
ЎРҚ -741 29.12.2021й.)



“АВС” фермер хўжалиги 25
гектар суғориладиган ер
майдонига эга.
15 гектар - картошка ;
10 гектар - полиз
маҳсулотлари экиш учун ер
ажратилган.



*Бу ҳолатда
фермер
хўжалиги
ушбу солиқ
тўловчиси
ҳисобланмайди*



№ 4

Бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар



Аҳолига бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи ёқилғи қўйиш шахобчалари

№5

Лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар

№6



Оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган **ишончли шахсга** – оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фаолият бўйича оддий шериклик **шартномаси тузилган санадан бошлаб;**



(ПФ-218 09.09.2022й. амалга кирди 01.07.22 йилдан)

Хатлов натижаси бўйича “АВС” корхонаси ўзининг бўш турган биносидан фойдаланмай келмоқда. Бўш турган объектга нисбатан қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади:



3 ойга қадар мол-мулк ва ер
солиқлари- 2 баробар



3 ойдан 5 ойга қадар мол-мулк ва ер
солиқлари-5 баробар

6 ойдан 12 ойга қадар мол-мулк ва ер
солиқлари-10 баробар ҳисобланади



Солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг амал қилиши тўхтатилади

№ 8



Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлашдан ташқари) қуришни бажарувчи юридик шахсларга *«шартнома тузилган санадан»*



№ 9

Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан **пивони чакана** сотиш бўйича турғун савдо шахобчаларига:



№ 10

Бозорларга ва савдо комплексларига;

№ 11

Солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотларига;

№ 12

Аудиторлик ташкилотларига;

№ 13

Нотижорат ташкилотларига, шу жумладан бюджет ташкилотларига;

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

2023 йил 1 январдан кучга киради

T/p	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар, бундан 2 — 6 бандларда назарда тутилганлар мустасно	4
2.	Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар	
	жойлашган жойига қараб:	
2.1	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
2.2	жойлашган жойидан қатъи назар, тамаки маҳсулотлари реализациясидан товар айланмаси бўйича:	4
	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
3.	аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи, сараловчи, сақловчи ва қадоқловчи тайёрлов ташкилотлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар	товар айланмасининг 4 ёки ялпи даромаднинг 25
5.	Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар (ушбу Кодекс 337-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган қоидаларни инобатга олган ҳолда)	2
6.	Ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон Чернобилчилари» ассоциацияси бўлган, умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 — 1945 йиллардаги меҳнат fronti ветеранлари 50 фоиздан кам бўлмаган ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва 1941 — 1945 йиллардаги меҳнат fronti ветеранларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган солиқ тўловчилар	0

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

2023 йил 1 январдан кучга кирди

Солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтиш тўғрисида ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда кейинги ой бошлангунига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қилади. Солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни танлашга ҳақли.

Қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлаш тартиби СКнинг 470¹-моддасида белгиланган.

**Солиқни қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар
учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланади:**

Т/р	Солиқ тўловчилар	Бир йиллик солиқ ставкалари (млн сўмда)
1.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар	20
2.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар	30

(467-модданинг матни Ўз.Рсининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонуни таҳририда

ЯТТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРДА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ (СК 462-модда 1к)



Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс **ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР** ҳисобланади.



Вазиятли масала:

Якка тартибдаги тадбиркор ҳисобот даврида қуйида келтирилган кўрсаткичларга эга.
ЯТТ қандай солиқ тўлайди? (Мисол) шартли равишда олинган.

(Млн.сўмда)

№	Ҳисобот оyi	Суммаси
1	Январь ойида	55,0
2	Февраль ойида	55,0
3	Март ойида	80,0
Жами		190,0



Савол:

**Ушбу тадбиркор қайси ой учун айланмадан
олинадиган солиқни қанча миқдорда тўлайди?**

Масаланинг ечими:

1. Аҳолиси 100 минг нафар ва ундан кўп ҳудудлар учун солиқ ставкаси товарлар ва хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромад 4% ставка асосида солиққа тортилади. (СК 467-моддаси)

2. Солиқ суммаси жами даромадга фаолият турига қараб белгиланган ставкани кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Айланмадан олинадиган солиқ суммаси

1) $55 \text{ млн.} + 55 \text{ млн.} + 80 \text{ млн.} = 190 \text{ млн.сўм}$ (100 млн.сўм даромад солиғи айланмасини ташкил этади)

2) Амалга оширилган фаолият учун айланмадан олинадиган солиқни топамиз:
 $(10 + 80) \text{ млн.сўм} \times 4\% = 3,6 \text{ млн.сўм}$. Бунда март ойи учун 90 млн.сўм айланамага ҳисоботида топширади.

Демак ушбу якка тартибдаги тадбиркор март ойи фаолияти учун 3,6 млн.сўм солиқ тўлайди. (СК 461-моддаси 3қ)



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ОБЪЕКТИ (СК 463-модда)

Қурилиш, монтаж, ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, қурилиш, монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш- ишлари



Масалан: Корхонанинг таъмирлаш объекти 500 млн.сўм баҳоланди. Корхона 300 млн.сўмлик таъмирлаш ишларни ўз кучлари билан бажарди. Корхона учун солиқ объекти 300 млн.сўм. ҳисобланади



Мол-мулкни ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – **молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси**



Масалан корхона автомашинани лизингга берса, машинани лизингга беришдаги фоизи солиқ солиш объектидир



Воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – **кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси**



Масалан: PAYNET хизматлари учун - олинадиган фоиз суммалари



Солиқ солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳам ҳисобланади (СК 463-модда)

Товарларни (хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун - агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда).

1) товарларни (хизматларни) қуйидагиларга:

а) иштирокчилар таркибидан иштирокчи чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёхуд унинг юридик шахсдаги улуши камайтирилганда ёки юридик шахс томонидан иштирокчидан унинг ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (улушнинг қисми) қайтариб сотиб олинганда ушбу иштирокчига бериш;

б) юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинганда акциядорга бериш;

в) юридик шахс тугатилганда акциядорга ёки иштирокчига бериш;

2) товарларни (хизматларни) жисмоний шахс меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобидан ёки дивиденд тўлаш ҳисобидан бериш;

3) товарларни ёки бошқа мол-мулкни қайта ишлаб бериш учун бериш, агар товарлар ва (ёки) мулк қайта ишлаш маҳсулоти сифатида шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса;

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ОБЪЕКТИ (СК 463-модда)

4) кўп марта айланадиган, сотувчига қайтарилиши шарт бўлган идишларни, агар идиш маҳсулотни шундай идишда етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган бўлса, бериш.

Товарларни (хизматларни) олиш ҳуқуқини тақдим **этувчи ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш мазкур товарларни (хизматларни) реализация** қилиш деб эътироф этилади.

Узоқ муддатли шартномалар бўйича даромадлар СКнинг 303-моддасида назарда тутилган тартибда жами даромад таркибига киритилади.

Балансинг валюта ҳисобварақларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти деб эътироф этилади. Курсдаги салбий фарқнинг суммаси курсдаги ижобий фарқ суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ базасини камайтирмайди.

Солиқ тўловчилар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёхуд кўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлаш даврида айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтгунига қадар олинган даромадлар жами даромадга киритилмайди.

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР:

Вазиятли савол:

Корхонамиз тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни ижарага беришга ихтисослашган. Ушбу фаолият турини амалга оширсак солиққа тортиш тартиби қандай ва неча фоизли ставкада соликка тортилади?

Жавоб:

Солиқ Кодексининг 463-моддасига асосан айланмадан олинадиган солиқ тўловчи ҳисобланади. СКнинг 467-моддаси 7-бандига мувофиқ 8 фоизли ставка асосида солиққа тортилади.

2023 йил 1 январдан 4% этиб белгиланди.





АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА 2023-ЙИЛДА СОЛИҚ КОДЕКСИГА КИРИТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР



2023 йил 1 январдан бошлаб Товарларни (хизматларни) **экспортга реализация қилишдан олинган даромадлар Жами даромаддаги улушидан қатъий назар айланмадан олинадиган солиққа тортилмайди**



СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАР



Айланмадан олинадиган солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун **4 фоиз** миқдоридagi ягона ставкани белгиллаган ҳолда бирхиллаштирилмоқда

1%

Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналар учун
(*чакана савдо, улгуржи ва чакана дорихона*)

2%

Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган корхоналар шу жумладан, электрон тижорат учун
(*чакана савдо, улгуржи ва чакана дорихона*)

3%

Аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда
(*улгуржи ва чакана дорихона*)

ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ

2023 йилдан бошлаб АОС тўловчилар жами даромадига кўра **ихтиёрий асосда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни** танлашга ҳақли

500 млн сўмдан ошмаганда –
солиқ йилига **20 млн сўмга** тенг

500 млн сўмдан ошганда –
солиқ йилига **30 млн сўмга** тенг



Қатъий белгиланган суммадаги солиқ тенг улушларда ҳар ойда, **календар ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан** кечиктирмай тўланади



Қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни рад этиш навбатдаги солиқ даври бошидан амалга оширилади (*навбат даги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечикт ирмай хабарнома юборган ҳолда*)

December


20



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ БИР НЕЧА ФАОЛИЯТ ТУРИ БИЛАН ШУЎУЛЛАНИШИ



Бир неча фаолият тури билан шуғулланган юридик шахс ҳар бир фаолият тури учун **алоҳида-алоҳида** солиқ тўлайди. (СК 468-модда)



Корхонанинг асосий фаолияти биноларни ижарага бериш. Асосий фаолиятдан ташқари хизмат кўрсатиш фаолиятини ҳам ташиқил этган. Ҳисобот даврида ижарага беришдан олинган даромад 350,0 млн.сўмни, хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича даромад 20,0 млн сўмни ташиқил қилади. Корхона ушбу ҳолатда айланмадан олинадиган солиқни қандай тартибда ва неча фоизли ставкада тўлайди?

Масала ечими:


Бионоларни ижарага бериш фаолияти бўйича 8% ставкада солиқ тўланади
(350 000 000 × 8% = 28 000 000 сўм).

Хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича 4% ставкада солиқ тўланади
(20 000 000 × 4% = 800 000).





Бир неча фаолият тури билан шуғулланган юридик шахс ҳар бир фаолият тури учун **алоҳида-алоҳида** солиқ тўлайди. (СК 468-модда)



Корхонанинг асосий фаолияти Тошкент шаҳрида чакана савдо. Асосий фаолиятдан ташқари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширади. Ҳисобот даврида чакана савдодан олинган даромад 350,0 млн.сўмни, электрон савдо фаолияти бўйича даромад 20,0 млн сўмни ташкил қилади. Корхона ушбу ҳолатда айланмадан олинadиган солиқни қандай тартибда ва неча фоизли ставкада тўлайди?


Масала ечими:

*Чакана савдо фаолияти бўйича 4% ставкада солиқ тўланади
(350 000 000 × 4% = 14 000 000 сўм).*

*Электрон савдо фаолияти бўйича 2% ставкада солиқ тўланади
(20 000 000 × 2% = 400 000).*



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ БЮДЖЕТГА ҲИСОБЛАШ, ТЎЛАШ, ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ



**ТАДБИРКОРлар томонидан
муствақил ҳисобланади**



Солиқ даври - Календарь йил



Ҳисобот даври - бир ой



Ҳисобот даври якунлари
бўйича солиқ суммаси
солиқ даври бошидан ортиб
борувчи якун билан солиқ
базаси



*Солиқ
ставкаси*




100



*Солиқ
суммаси*



Солиқ ҳисоботи муддатлари:



1) Ҳисобот давридан кейинги ойнинг
15-кунидан кечиктирмай

2) Солиқ давридан кейинги даврнинг
15 -февралдан кечиктирмай

Солиқ тўлаш муддати:



**Солиқ ҳисоботини тақдим этиш
муддатидан кечиктирмай амалга
оширилади.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

2020 йил 18 февраль,
ПҚ-4602-сон

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИ
НГ ҚАРОРИ 10
банди

Ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни фаол жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексида тадбиркорлик қилиш мақсадида қўшимча объектлар қурилиши белгиланди. Ушбу объектлар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб 3 йил муддатга мазкур объектларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидан айланмадан олинадиган солиқнинг белгиланган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда тўланади.



Айланмадан
олинадиган
солиқни




белгиланган солиқ
ставкаси 50 фоизга
камайтирилган
ҳолда тўланади



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги фискал
институт



Ушбу фаолиятдан
айланмадан
олинадиган солиқ
1,5 % ставкада
солиққа тортилади

«Prado» МЧЖ чакана **дорихона**
фаолияти билан шуғулланади

Тадбиркорлик фаолияти Қарши
шаҳридаги «Сардоба» МФЙ
комплексидаги қўшимча объектда
олиб борилади

«Сардоба» МФЙ комплексидаги
қўшимча объект 2020 йилнинг 1 июль
куни фойдаланишга топширилган

Солиқ кодексининг 467-моддасига
асосан ушбу фаолият тури учун солиқ
ставкаси 3 фоизли.

**белгиланган солиқ ставкаси 50
фоизга камайтирилган ҳолда
тўланади**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTNING QARORI

2020 ~~yil~~ «08 » ИЮНЬ

№ ПҚ- 4742

Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат
томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида

- Ушбу Қарорга (**7-банди**) асосан ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар. (69 та фаолият тури мавжуд)
- *Масалан: Оилавий корхона (ота ва 2 нафар ўғли) металллардан гулчамбарлар тайёрлаш фаолияти билан шуғулланади. Ушбу фаолият тури бўйича айланмадан олинadиган солиқ 4% ни ташкил этади.*
- *Имтиёз қўллаш натижасида корхона 2% ставкада солиқ тўлайди.*



27.01.2022 йил ПҚ-104-сон

«Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **Вақтинчалик солиқ имтиёзлари**

2. қисми в) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар

1-иловада келтирилган туман ва шаҳарларда белгиланадиган туризм ҳудудларида рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкасини — **1 фоиз**;

Ушбу ҳудудлардаги объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорларини — мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг **1 фоизи миқдорида белгилаш**.

Бунда, туман ва шаҳарларнинг туризм ҳудудлари чегаралари Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари хулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади;

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича

Меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туман ва шаҳарлар РЎЙХАТИ

Т/р	Туман (шаҳар)	Худуд
1.	Тахтакўпир тумани	Қорақалпоғистон Республикаси
2.	Хўжайли тумани	
3.	Элликқалъа тумани	
4.	Хонобод шаҳри	Андижон вилояти
5.	Когон тумани	Бухоро вилояти
6.	Ромитан тумани	
7.	Арнасой тумани	
8.	Зомин тумани	Жиззах вилояти
9.	Фориш тумани	
10.	Китоб тумани	
11.	Шахрисабз тумани	Қашқадарё вилояти
12.	Қамаши тумани	
13.	Хатирчи тумани	
14.	Нурота тумани	Навоий вилояти
15.	Қизилтепа тумани	
16.	Чуст тумани	
17.	Янгиқўрғон тумани	Наманган вилояти
18.	Ургут тумани	Самарқанд вилояти
19.	Ховос тумани	Сирдарё вилояти
20.	Бойсун тумани	Сурхондарё вилояти
21.	Ангрен шаҳри	Тошкент вилояти
22.	Оҳангарон тумани	
23.	Паркент тумани	
24.	Бўстонлик тумани	
25.	Риштон тумани	Фарғона вилояти
26.	Боғот тумани	Хоразм вилояти
27.	Хива шаҳри	
28.	Хива тумани	

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича




Айланмадан олинадиган солиқ
татбиқ этилмайдиганлар
тоифалари кенгайтирилди:

*Солиқ кодексининг
461-моддасига қиритилган
ўзгартиришлар*



Бозорлар ва савдо комплекслари



алкоголь маҳсулотлари, шу
жумладан пивони чакана сотиш
бўйича турғун савдо шохобчалари

**Солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлик
ташкilotларига;
нотижорат, шу жумладан бюджет
ташкilotларига мажбурий тартибда
қўшилган қиймат солиғини тўлаш жорий
этилди**

11.03.2022 йил ЎРҚ-758-сон

Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида **483-модда. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари.**

Мазкур модда қуйидаги мазмундаги ўн икинчи ва ўн бешинчи қисмлар билан тўлдирилди

(12-қ) Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизирик, Музработ, Шеробод туманларида, тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу туманларда (ҳудудларда) ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) юридик шахслардан олинадиган **ер солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, айланмадан олинадиган солиқни**, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан **2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.**

05.05.2022 йил ЎРҚ-767 -сонли

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»

СК. 467-модданинг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 13.	Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар	2	» ;
-------	---	---	-----

СК. 483-модда Вақтинчалик солиқ имтиёзлари:

қуйидаги мазмунда 16,17 ва 18 қисмлар билан тўлдирилсин: **2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари:**

фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, ижтимоий солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

23.02.2023 йил ПҚ-70-сонли

**«КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» қарори**

Белгилансинки, 2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январга қадар уч ойдан ортиқ муддатга ўттиз нафардан зиёд касаначиларни белгиланган тартибда жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (кўрсатилган хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари жами даромадининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари учун:

- айланмадан олинадиган солиқнинг солиқ базаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда, бироқ тадбиркорлик субъекти томонидан касаначиларга тўланган иш ҳақи миқдорининг 1,5 бараваридан ошмаган миқдорда ҳисобланади;

Эътиборингиз учун рахмат!

